*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ АЙРИМ ҚОНУНЛАРИГА ЎЗГАРТИШЛАР ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги қонунларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилсин:

I. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, №3, 6-модда): 175-моддада:

модданинг номи «юритиш тартибини» деган сўзлардан кейин «шунингдек тўлов интизомини» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

учинчи қисмининг тавсиф қисми «шу жумладан дебиторлик қарзининг муддати ўтказиб юборилган ҳолларда бузиш ҳамда корхоналарнинг ҳисоб рақамида тегишли маблағлар бўлгани ҳолда тўловларни амалга оширишнинг белгиланган муддатлари тижорат банкларининг шуъбалари томонидан бузилиши» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

II. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 февралда қабул қилинган **«Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»**ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 йил, №4, 84-модда; 1992 йил, № 10, 397-модда; 1993 йил, № 6, 242-модда) 19-моддаси қуйидаги мазмундаги $4^1$-банд билан тўлдирилсин:

«$4^1$. Тижорат банклари шуъбаларининг раҳбарлари томонидан тўловлар ўз вақтида ўтказилмаган ва уларнинг гумашталик ҳисоб рақамлари қониқарсиз аҳволда бўлган ҳолларда Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки уларга нисбатан қуйидаги жазоларни қўллаши мумкин:

банк шуъбасининг қонунга хилоф ҳаракати натижасида олинган қўшимча даромади миқдорида ундан жарима пули ундириш;

корхоналарнинг ҳисоб рақами орқали тўловлар ўтказилиши кечикишига мунтазам равишда йўл қўйиб келаётган шуъба тугатилишини тижорат банкидан талаб қилиш, башарти юқорида қайд этилган талабни бажаришдан асоссиз равишда бош тортилган тақдирда, банк операцияларини бажариш учун мазкур банкка берилган лицензияни қайтариб олиш».

III. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 февралда қабул қилинган **«Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида»**ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 йил, № 4, 86-модда, № 8, 191-модда; 1992 йил, № 1, 49-модда, № 4, 177-модда, № 9, 337-модда; 1993 йил, № 1, 20-модда, №6, 240-модда, 1994 йил, № 5, 159-модда, № 11-12, 285-модда):

1) 10-модда қуйидаги мазмундаги тўртинчи, бешинчи ва олтинчи қисмлар билан тўлдирилсин:

«Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент шаҳарларида туристик фаолияти билан шуғулланувчи янги ташкил этилган юридик шахслар, ташкил этилган пайтдан бошлаб дастлабки фойда олгунга қадар бўлган даврда, аммо давлат рўйхатидан ўтган пайтидан эътиборан узоғи билан уч йил муддатта даромад (фойда) солиғини тўлашдан озод этиладилар.

Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент шаҳарларида туристик фаолият билан шуғулланувчи юридик шахслар даромад (фойда) олинган биринчи йили даромад (фойда)солиғининг 50 фоизини, иккинчи йили — 75 фоизини, учинчи йилидан бошлаб — 100 фоизини тўлайдилар.

Давлат-акционерлик ипотека банки рўйхатдан ўтган пайтидан эътиборан беш йил мобайнида даромад (фойда) солиғини тўлашдан озод қилинади»;

2) 35-модданинг биринчи қисми қуйидаги мазмундаги «ж» бандча билан тўлдирилсин:

«ж) Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент шаҳарларида туристик фаолият билан шуғулланувчи янги ташкил этилган юридик шахсларга, ташкил этилган пайтдан бошлаб дастлабки фойда олгунга қадар бўлган даврда, аммо давлат рўйхатидан ўтган пайтидан эътиборан узоғи билан уч йил муддатта».

IV. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган **«Транспорт воситалари ҳамда бошқа ўзиюрар машина ва механизмлар эгаларидан олинадиган солиқ тўғрисида»**ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 1, 27-модда) 5-моддасининг 1-банди қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент шаҳарларида туристик фаолият билан шуғулланувчи янги ташкил этилган юридик шахслар, ташкил этилган пайтдан бошлаб дастлабки фойда олгунга қадар бўлаган даврда, аммо давлат рўйхатидан ўтган пайтидан эътиборан узоғи билан уч йил муддатта».

V. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган **«Ер солиғи тўғрисида»**ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 5, 215-модда; 1994 йил, №5, 161-модда, № 11-12, 285-модда):

1) 1-модданинг учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг қарорига биноан ижарага ер участкалари олган юридик ва жисмоний шахслар ер солиғи ўрнига маҳаллий бюджетга ижара ҳақи тўлайдилар, унинг миқдори томонларнинг келишуви бўйича, лекин қонун ҳужжатларида назарда тутилган ер солиғининг бир ставкасидан кам ва уч ставкасидан кўп бўлмаган миқдорда, ерлардан қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланилганда эса бир ставкаси миқдорида белгиланади»;

2) 5-модда:

учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Юридик шахслар йил давомида ер участкасига мулкдорлик қилиш, ерга эгалик қилиш, ердан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиб қолган, шунингдек улар фойдаланадиган ер майдони кўпайган ёки ер солиғи бўйича имтиёзлар ҳуқуқлари тўхтатилган тақдирда, улар ер участкаси ажратилган ёки имтиёзлар ҳуқуқлари тўхтатилган кундан бошлаб кўпи билан бир ойлик муддатда солиқ органларига ер солиғига доир ҳисоб-китобларни тақдим этишлари шарт»;

модда қуйидаги мазмундаги бешинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Юридик шахсларга ер солиғи бўйича имтиёзлар белгиланган тақдирда, улар ушбу ҳуқуқ юзага келган ойдан бошлаб солиқ тўлашни тўхтатадилар. Ер солиғи бўйича имтиёзлар ҳуқуқлари тўхтатилган тақдирда, улар ушбу ҳуқуқ тўхтатилган ойдан кейинги ойдан бошлаб ер солиғи тўлай бошлайдилар»;

3) 8-модда:

қуйидаги мазмундаги «о» ва «п» бандлар билан тўлдирилсин:

«о) янги ўзлаштирилаётган ерлар ва мелиоратив ҳолати яхшиланиши жараёнидаги суғориладиган ерлар лойиҳада назарда тутилган муддатга, лекин ишлар бошланганидан эътиборан кўпи билан беш йилга;

«п) илмий ташкилотларнинг, илмий-тадқиқот ташкилотлари ва ўқув юртлари тажриба, экспериментал ва ўқув-тажриба хўжаликларининг бевосита илмий ҳамда ўқув мақсадларида фойдаланиладиган қишлоқ хўжалик аҳамиятидаги ва ўрмон фондидаги ерлари»;

модда қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Солиқ ундирилмайдиган ер участкаларидан бевосита мўлжалланган мақсадда фойдаланилмаган тақдирда, бундай ерларга нисбатан ушбу моддада белгиланган имтиёзлар татбиқ этилмайди»;

4) 9-модданинг:

«а», «б», ва «3» бандлари чиқариб ташлансин;

«г» банди «диний ташкилотлар, ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти билан шуғулланувчи бўлинмаларидан ташқари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

«л» банди «байналмилал бурчини бажарган шахслар» деган сўзлардан кейин «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилган шахслар, муддатли хизмат ҳарбий хизматчилари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

модда қуйидаги мазмундаги «о» банди билан тўлдирилсин:

«о) Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент шаҳарларида туристик фаолият билан шуғулланувчи янги ташкил этилган юридик шахслар, ташкил этилган пайтдан бошлаб дастлабки фойда олгунга қадар бўлган даврда, аммо давлат рўйхатидан ўтган пайтидан эътиборан узоғи билан уч йил муддатга»;

модда қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Солиқ тўлашдан озод қилинган солиқ тўловчилар ерлардан бевосита мўлжалланган мақсадда фойдаланмаганлари тақдирда, уларга нисбатан ушбу моддада белгиланган имтиёзлар татбиқ этилмайди».

VI. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган **«Қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операциялардан олинадиган солиқ тўғрисида»**ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 5, 132-модда) 4-моддаси қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент шаҳарларида туристик фаолият билан шуғулланувчи янги ташкил этилган юридик шахслар, ташкил этилган пайтдан бошлаб дастлабки фойда олгунга қадар бўлган даврда, аммо давлат рўйхатидан ўтган пайтидан эътиборан узоғи билан уч йил муддатта».

VII. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 февралда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан, ажнабий фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида»**ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 йил, № 4, 88-модда, № 8, 191-модда; 1992 йил, № 1, 50-модда, № 4, 168-модда, № 9, 337-модда; 1993 йил, № 1, 20-модда; 1994 йил, № 1, 14-модда, № 10, 254-модда):

1) 3-модданинг 1-бандида:

«р» бандчасидаги «бир ярим баробаригача» деган сўзлар «уч баробаригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«с» бандчасидаги «уч баробаригача» деган сўзлар «олти баробаригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

банд қуйидаги мазмундаги «ц» бандча билан тўлдирилсин:

«ц) болалар ва бошқа соғломлаштириш лагерларининг болалар ва ўсмирларга мўлжалланган йўлланмалари қийматини, ота-оналарнинг болалар билан дам олишига махсус мўлжалланган санаторий-курорт муассасаларига йўлланмалари қийматини, шунингдек ўз ходимларининг амбулаторий ёки стационар тиббий хизматдан фойдаланиш қийматини тўлиқ ёки қисман компенсация тартибида корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ўз ходимларига ёки улар учун тўлаган суммалар.

Кўрсатиб ўтилган тўловлар сирасига, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ногиронларнинг соғломлаштириш ва санаторий-курорт муассасаларига олган йўлланмалари қийматини, даволаниш ва тиббий хизматдан фойдаланиш, ногиронликнинг олдини олиш мақсадида техника воситалари сотиб олиш учун ҳамда ўз саломатликларини тиклаш учун қилган харажатларини тўлиқ ёки қисман тўлаш тартибида тўлаган суммалар ҳам киради»;

2) 4-модда:

1-банди:

қуйидаги мазмундаги «ж» бандча билан тўлдирилсин:

«ж) божхона хизматининг оддийлар ва бошлиқлар таркибидан бўлган шахслар — ўз хизмат вазифаларини бажаришлари муносабати билан оладиган барча тўловлар бўйича»;

«д» бандчаси чиқариб ташлансин;

2-банднинг «н» бандчаси чиқариб ташлансин;

3) 8-модданинг 1-бандида келтирилган жадвал қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

| «Солиқ солинадиган йиллик даромаднинг миқдори (солиқ солинмайдиган минимум чегирилган ҳолда) | Солиқ суммаси |
|---|---|
| энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 24 баробаригача | даромад суммасининг 15 фоизи |
| энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 24 баробаридан (+1 сўм) 60 баробаригача | энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 24 баробаридан олинадиган солиқ +24 баробаридан ортиқ сумманинг 25 фоизи |
| энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 60 баробаридан (+1 сўм) 120 баробаригача | энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 60 баробаридан олинадиган солиқ +60 баробаридан ортиқ сумманинг 35 фоизи |
| энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 120 баробари (+1 сўм) ва ундан ортиғи | энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 120 баробаридан олинадиган солиқ +120 баробаридан ортиқ сумманинг 40 фоизи». |

VIII. Ўзбекистон Республикасининг 1990 йил 20 июнда қабул қилинган **«Ер тўғрисида»**ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1990 йил № 16-18, 294-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 2, 84-модда; 1993 йил, № 6, 243-модда; 1994 йил, № 5, 161-модда, № 11-12, 285-модда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 6, 118-модда):

1) 13-модда биринчи қисмининг 11-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«11) мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик ҳуқуқини берувчи ордер ким ошди савдоси асосида олинганидан кейин ер участкасидан икки йил мобайнида фойдаланилмаганида, ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик ҳуқуқи гаровда бўлган тақдирда эса — гаров шартномаси муддати мобайнида фойдаланилмаганида. Фойдаланилмаган ер участкалари аввалги эгалларига улар тўлаган ҳақни қайтариб берган ҳолда тортиб олинади».

2) 17-модда қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Ер эгалари шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш, якка тартибда уй-жой қуриш учун ким ошди савдоси асосида олинган ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик ҳуқуқини кредитлар олиш учун гаровга қўйишлари мумкин»;

иккинчи қисми учинчи қисм деб ҳисоблансин;

3) 64-модданинг биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, шу жумладан ижарага олувчилар томонидан ер участкаларини сотиб олиш ва сотиш, совға қилиш, гаровга қўйиш (шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш, якка тартибда уй-жой қуриш учун ким ошди савдоси асосида олинган ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик ҳуқуқини гаровга қўйиш бундан мустасно), ўзбошимчалик билан айирбошлаш ҳақиқий эмас».

IX. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган **«Гаров тўғрисида»**ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 1, 17-модда; 1994 йил, № 11—12, 285-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 6, 118-модда) 4-моддаси 1-бандининг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Ашёлар, қимматли қоғозлар, пул маблағлари, шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш, якка тартибда уй-жой қуриш учун ким ошди савдоси асосида олинган ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик ҳуқуқи, шунингдек савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари, турар-жой бинолари улар жойлашган ер участкалари билан биргаликда, бошқа мол-мулк ва мулкий ҳуқуқлар гаров нарсаси бўлиши мумкин».

X. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган **«Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисида»**ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 1, 13-модда; 1994 йил, № 11-12, 285-модда):

1) 3-модда қуйидаги мазмундаги 6-банд билан тўлдирилсин:

«6. Давлат корхоналарини қайта тузиш натижасида ташкил этиладиган акциядорлик жамиятларини, уларнинг эмиссияларига доир маълумотларни давлат рўйхатидан ўтказиш, шунингдек акцияларини чиқариш ва жойлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда амалга оширилади»;

2) 12-модданинг 1-банди қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Давлат корхоналарини акциядорлик жамиятларига айлантиришда акцияларни тақсимлаш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади».

XI. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 19 ноябрда қабул қилинган **«Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»**ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 1, 43-модда; 1993 йил, № 5, 236-модда; 1994 йил,№ 11—12, 285-модда):

1) 3-модданинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш шаклларини меҳнат жамоасининг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда аниқлаш»;

2) 4-модданинг 3-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3.Давлат тасарруфидан чиқарилиши, хусусийлаштирилиши ва сотиб олиниши мумкин бўлмаган корхоналар ва мол-мулк турлари ҳамда гуруҳларининг рўйхати, шунингдек давлат тасарруфидан чиқарилиши ва хусусийлаштирилиши Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан амалга ошириладиган объектлар ҳамда корхоналарнинг рўйхати Олий Мажлис томонидан белгиланади»;

3) 7-моддада:

3-банддаги «икки ой ичида» деган сўзлар «ўн кун ичида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

модда қуйидаги мазмундаги 4-банд билан тўлдирилсин:

«4. Давлат корхонасини очиқ типдаги акциядорлик жамиятига айлантириш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ёки унинг ҳудудий органи томонидан қабул қилинади»;

4-банд 5- банд деб ҳисоблансин;

4) 8-модданинг 2-банди қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Давлат корхонаси очиқ типдаги акциядорлик жамиятига айлантирилаётганда корхона раҳбари давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга доир ҳужжатларни тайёрлаш учун ишчи комиссия тузади. Комиссия бир ойлик муддатда зарур ҳужжатларни тайёрлаб, давлат мулки объектини тасарруф этувчига тақдим этади. Зарур ҳужжатлар рўйхатини Вазирлар Маҳкамаси белгилайди»;

5) 9-модданинг 1-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш объектининг сотув нархини давлат мулки объектларини тасарруф этувчи белгилайди. Сотув нархини белгилашда объектнинг давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш вақтидаги қийматига асосланилади ҳамда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ўтказилаётган пайтда қарор топган ҳақиқий баҳоси ҳисобга олиниши лозим»;

6) 12-модда 2-бандининг тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«республика ва маҳаллий давлат бошқарув органлари номидан Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ёки унинг ҳудудий органлари».

XII. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 февралда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасидаги корхоналар тўғрисида»**ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 йил, № 4, 78-модда; 1993 йил, № 6, 246-модда; 1994 йил, № 11-12, 285-модда):

1) 6-модданинг 4-банди қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Давлат корхоналарини қайта тузиш натижасида ташкил этидган очиқ типдаги акциядорлик жамиятларини рўйхатдан ўтказишда рўйхатга олиш йиғимлари ва бошқа тўловлар ундирилмайди»;

2) 36-модданинг 1-бандидаги, 39-модда 1-бандининг 2-хатбошисидаги, 2-бандининг 2-хатбошисидаги «мулкдорнинг», «мулкдор», «эгалик қилувчига» деган сўзлар «корхона мол-мулки эгасининг», «корхона мол-мулки эгаси», «корхона мол-мулки эгасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

XIII. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган **«Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслардан рўйхатта олганлик учун ундириладиган йиғим ва бундай шахсларни рўйхатта олиш тартиби тўғрисида»**ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 1, 12-модда) 3-моддасининг иккинчи қисмидаги «15 кундан кечиктирмай» деган сўзлар «уч кунлик муддатда» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

XIV. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган **«Судлар тўғрисида»**ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 10, 267-модда):

1) 43-модда биринчи қисмидаги «унинг ўринбосарлари» деган сўзлар «унинг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 51-модда иккинчи қисмидаги «ва унинг ўринбосарлари» деган сўзлар «унинг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) 55-модданинг:

сарлавҳасидаги ҳамда биринчи қисми биринчи хатбошисидаги «Раисининг ўринбосарлари» деган сўзлар «Раисининг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Олий хўжалик судининг Раиси йўқлигида унинг ваколатини Раиснинг биринчи ўринбосари, биринчи ўринбосар ҳам йўқлигида эса, Раиснинг ўринбосари амалга оширади».

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**
**И. Каримов.**

Тошкент шаҳри,
1995 йил 31 август.

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНІ ҚАРОРИ*

# РЕСПУБЛИКАДА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИНИНГ ФАОЛИЯТ КЎРСАТИШИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ВА УНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонини бажариш юзасидан ташкилий чора-тадбирлар мажмуини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги қимматли қоғозлар ва фонд биржалари бўйича давлат комиссияси тўғрисидаги низом тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги қимматли қоғозлар ва фонд биржалари бўйича давлат комиссияси ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлар вазирликлар, идоралар, давлат бошқаруви маҳаллий органлари, хўжалик бирлашмалари, мулкчилик шаклларидан қатъи назар, корхоналар ва ташкилотлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатларнинг фуқаролари томонидан бажарилиши мажбурийдир.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги қимматли қоғозлар ва фонд биржалари бўйича давлат комиссиясининг ташкилий тузилмаси ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари намунавий тузилмаси тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги қимматли қоғозлар ва фонд биржалари бўйича давлат комиссияси ходимларининг чекланган сони, бунга унинг ҳудудий бўлинмалари ходимлари ҳам киради, хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари, 85 нафардан (шу жумладан, қимматли қоғозлар бозори бошқармаси ходимлари — 28 нафар, уларнинг 15 нафари қўшимча равишда ажратилади) иборат этиб белгилансин.

Белгилаб қўйилсинки, давлат комиссиясининг раиси Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг ўринбосари ҳисобланади. Давлат комиссияси раисининг ўринбосари — Молия вазирлиги қимматли қоғозлар бозори бошқармасининг бошлиғи, ҳудудий бўлинмаларнинг раислари давлат комиссияси раисининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси молия вазири томонидан лавозимга тайинланадилар ва лавозимдан озод этиладилар.

Қимматли қоғозлар ва фонд биржалари бўйича давлат комиссияси ходимларига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш шарт-шароитлари татбиқ этилсин.

4. Қимматли қоғозлар ва фонд биржалари бўйича давлат комиссияси:

Эмитентлар ва қимматли қоғозлар бозори профессионал қатнашчиларининг масъулиятини тартибга солувчи стандартлар ҳамда қоидаларни;

зарурат бўлганда мустақил аудитор ташкилотларнинг эксперт хулосаларидан фойдаланган ҳолда қимматли қоғозларнинг бошланғич нархларини, уларнинг ликвидлилик даражасини аниқлаш учун қимматли қоғозлар эмитентларининг молиявий аҳволини баҳолаш механизмини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси:

Давлат корхоналарини қайта ташкил қилиш йўли билан барпо этилган акционерлик жамиятларининг рўйхатларини республика матбуотида йилнинг ҳар чорагида албатта эълон қилинишини таъминласин;

акцияларини биржа савдолари орқали ва биржадан ташқари бозорда сотиш юзасидан шартнома-топшириқномалар тузишда инвестиция муассасалари билан ишлаш тартибини белгиласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонидан келиб чиқадиган солиқ имтиёзларини қўллаш тартибини Давлат Солиқ қўмитаси билан биргаликда манфаатдор вазирликлар ва идораларга етказсин;

давлат комиссиясини таъминлашга, шунингдек унинг моддий-техника базасини яратишга белгиланган тартибда зарур маблағлар ажратсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги давлат комиссиясини ва унинг ҳудудий бўлинмаларини, шунингдек «Тошкент» республика фонд биржасини ҳамда «Вақт» миллий дипозитарийсини биржа савдоларининг электрон тизимини ташкил этиш, ҳудудий бўлинмалар ва вилоятлар депозитар тузилмалари билан ахборотлар алмашиш учун алоқанинг умумдавлат воситалари билан, шунингдек инвесторларнинг қимматли қоғозлар ва фонд биржалари бўйича давлат комиссиясининг эмитентлар тўғрисидаги маълумотлари банкидан фойдаланиши тизимини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 1996-1997- ўқув йилидан бошлаб олий ўқув юртларида қимматли қоғозлар бозори соҳаси мутахассисларини тайёрлашни назарда тутсин.

9. «Ўздавтелерадио» компанияси ва бошқа оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳамда қимматли қоғозлар ва фонд биржалари бўйича давлат комиссияси билан биргаликда акционерлаштириш, қимматли қоғозларнинг ҳар хил турларини чиқариш хусусиятлари, давлат комиссияси, фонд биржаси миллий дипозитарий ва қимматли қоғозлар бозорининг бошқа муассасалари фаолияти билан боғлиқ масалаларни аҳолига мунтазам тушунтириб боришни таъминласинлар.

10. Тошкент шаҳар ҳокимлиги қимматли қоғозлар ва фонд биржалари бўйича давлат комиссиясининг ишчи аппаратини Мустақиллик майдони, 5-уйдаги 20 қаватли маъмурий бинога жойлаштирсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари давлат комиссиясининг ҳудудий бўлинмаларини жойлаштириш учун зарур жойлар ажратилишини таъминласин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Б. С. Ҳамидов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1995 йил 7 сентябрь.

